



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2021 yil « 24 » dekabr

№ 773

Toshkent sh.

Пилла етиширувчи жисмоний шахсларга улар томонидан етиширилган пилла (хўл пилла) ҳосили учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни қўллаб-куватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 8 июлдаги ПҚ-5178-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, пилла етиширувчи жисмоний шахсларга улар томонидан етиширилган пилла (хўл пилла) ҳосили учун субсидия ажратиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни қўллаб-куватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 8 июлдаги ПҚ-5178-сон қарорига мувофиқ **2022 йил 1 январдан бошлаб:**

2025 йил 1 январга қадар ҳар йили хонадонларда пилла етишируvчи жисмоний шахсларга етишириладиган пилла (хўл пилла) ҳосилининг бир килограмми учун **5 минг сўм** миқдорида Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан субсидия ажратилиши;

етишириладиган пилла (хўл пилла) ҳосилининг бир килограмми учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган субсидия Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси томонидан берилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи **Пилла етишируvчи жисмоний шахсларга улар томонидан етиширилган пилла (хўл пилла) ҳосили учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансан:

пилла (хўл пилла) ҳосили учун хонадонларда пилла етишируvчи жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан субсидия ажратиш;

Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг таклифларига асосан келгуси йил учун бюджет параметрларини шакллантиришда тегишли маблағларни ажратиш;

пиллачилик кластерлари ва ипак қурти уруғчилик ташкилотлари туман (шаҳар) “Агропилла” МЧЖлар билан биргаликда субсидия олувчиларнинг туман (шаҳар) манзилли рўйхатини шакллантириш;

пиллачилик кластерлари ва ипак қурти уруғчилик ташкилотлари ўз маҳсус ҳисобварагларидаги субсидия учун тушган маблағларни субсидия олувчиларнинг фақат банк карталарига, агар банк картаси очилмаган бўлса, банкда уларнинг номларига очилган банк ҳисобварагларига ажратиши;

пиллачилик кластерлари ва ипак қурти уруғчилик ташкилотлари субсидия бериш мақсадида ўтказиб берилган маблағнинг фойдаланилмаган қисмини Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг алоҳида шахсий газна ҳисобварагига қайтариши тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2022 йилдан бошлаб бюджет параметрларини шакллантиришда мазкур қарорни амалга ошириш билан боғлиқ зарур маблағларни Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига ажратиб борилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Махкамасининг
2021 йил 24 дәқабрдаги 773-сон қарорига
илова

**Пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга улар
томонидан етиштирилган пилла (хўл пилла) ҳосили
учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга улар томонидан етиштирилган пилла (хўл пилла) ҳосили учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ипак қурти уруғчилик ташкилотлари – уруғлик пиллаларни қабул қилиб, ундан ипак қурти уруғларини тайёрловчи ташкилотлар;

пилла (хўл пилла) – ипак қуртларини парваришиллаш натижасида олинадиган маҳсулот (дастлабки ишлов берилмаган, ғумбаги хўл ҳолдаги пилла хомашёси);

пиллачилик кластерлари – пилла хомашёсини қабул қилиб олевчи ва уни қайта ишловчи ташкилотлар;

субсидия олувчилар – ипак қуртини парваришилаб етиштирилган пиллани (хўл пилла) пиллачилик кластерлари ва ипак қурти уруғчилик ташкилотларига етказиб берувчи жисмоний шахслар (ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари);

субсидия – ипак қуртларини парваришилаб етиштирилган пилланинг ҳар бир килограмми учун қурт бокувчиларга қайтармаслик шарти билан Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан бериладиган пул маблағлари.

3. 2022 йил 1 январдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар ҳар йили хонадонларда пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга ипак қуртларини парваришилаб етиштириладиган пилла (хўл пилла) ҳосилининг бир килограмми учун 5 минг сўм миқдорида Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан субсидия ажратилади.

4. Субсидия олувчиларга улар томонидан етиштирилган пилла (хўл пилла) ҳосили учун субсидия ажратиш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Субсидия ажратиш шартлари ва тартиби

5. Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси билан

биргалиқда пиллачилик кластерлари ва ипак қурти уруғчилик ташкилотлари таклифларига асосан келгуси йилда пилла етиштириш ҳажми бүйича прогноз параметрларини ишлаб чиқади ҳамда **ҳар қалендарь йилнинг 20 июлига қадар** келгуси йилда етиштириладиган пилла (хўл пилла) ҳосили учун субсидия ажратиш мақсадида бюджет параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим қиласди.

Етиштириладиган пилла (хўл пилла) хомашёси етиштиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари доирасида субсидия маблағлари ҳар бир вилоят бўйича ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг таклифларига асосан келгуси йил учун бюджет параметрларини шакллантиришда зарур маблағлар Кўмитага ажратилишини кўзда тутади ва **ҳар қалендарь йилнинг 1 февралига қадар** мазкур йил учун бюджет параметрларида кўзда тутилган маблағларни Кўмитага ажратиб боради.

6. Пиллачилик кластерлари ва ипак қурти уруғчилик ташкилотлари туман (шаҳар) “Агропилла” МЧЖлар билан биргалиқда субсидия олувчиларнинг туман (шаҳар) манзилли рўйхатини ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакллантиради, курт боқувчилар билан шартнома тузади, таҳлил қиласди ва умумлаштиради.

Субсидия олувчиларнинг туман (шаҳар) манзилли рўйхати пиллачилик кластерлари, ипак қурти уруғчилик ташкилотлари ва туман (шаҳар) “Агропилла” МЧЖлар раҳбарлари томонидан имзоланган ҳолда **ҳар қалендарь йилнинг 25 февралига қадар** Кўмитанинг ҳудудий бошқармасига тақдим қилинади.

Субсидия олувчиларнинг туман (шаҳар) манзилли рўйхати тўғри тузилишига пиллачилик кластерлари, ипак қурти уруғчилик ташкилотлари ва туман (шаҳар) “Агропилла” МЧЖлар раҳбарлари масъул ҳисобланади.

7. Кўмитанинг ҳудудий бошқармаси бошлиги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси тизимидағи вилоят ҳудудий “Агропилла” МЧЖ раҳбари билан биргалиқда туманлар (шаҳарлар) манзилли рўйхатларини таҳлил қиласди ҳамда умумлаштирган ҳолда субсидия олувчиларнинг ташкилотлар ва туманлар (шаҳарлар) бўйича ҳудудий манзилли рўйхатини ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ (кейинги ўринларда – ҳудудий манзилли рўйхат) шакллантиради.

Ҳудудий манзилли рўйхат Кўмитанинг ҳудудий бошқармаси бошлиги томонидан тасдиқланади ва **ҳар қалендарь йилнинг 1 мартаға қадар** Кўмитага тақдим қилинади.

Ҳудудий манзилли рўйхатнинг тўғрилиги ва асосланганлиги учун Кўмитанинг ҳудудий бошқармаси бошлиғи ва “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси тизимидағи вилоят ҳудудий “Агропилла” МЧЖ раҳбари шахсан жавобгар ҳисобланади.

8. Кўмита **ҳар қалендарь йилнинг 10 апрелига қадар** шакллантирилган рўйхат бўйича пиллачилик кластерлари ва ипак қурти уруғчилик ташкилотларида

очилган махсус ҳисобварақقا (23202) зарур маблағларни субсидия олувчиларга улардан сотиб олинган пилла учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш вақтида тўлаб бериш мақсадида ўтказиб беради.

9. Пиллачилик кластерлари ва ипак қурти уруғчилик ташкилотлари ўзларининг махсус ҳисобварақларидағи субсидия учун тушган маблағларни субсидия олувчиларнинг фақат банк карталарига, агар банк картаси очилмаган бўлса, банкда уларнинг номларига очилган банк ҳисобварақларига ажратиб беради.

10. Кўмита рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва маълумотлар шаффоғлигини таъминлаш мақсадида етиштирилган пилла (хўл пилла) ҳосили ва ажратилган субсидия миқдори бўйича тегишли маълумотларни расмий веб-сайтида очиқ маълумотлар бўлимида доимий равишда тақдим этиб боради.

11. Пиллачилик кластерлари ва ипак қурти уруғчилик ташкилотлари субсидия олувчилардан қабул қилинган пилла хомашёсининг ҳажмлари ва уларга ажратилган субсидиялар тўғрисидаги маълумотларни ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда Кўмитага тақдим этади.

Бунда маълумотлар пилла етиштиришнинг:

биринчи ва иккинчи мавсумлари учун – ҳар календарь йилнинг 1 июляга қадар;

учинчи ва тўртинчи мавсумлари учун – ҳар календарь йилнинг 1 октябрига қадар тақдим этишлари зарур.

12. Кўмита маълумотларни таҳлил қиласи ва умумлаштиради. Таҳлил натижасига кўра, субсидия бериш мақсадида ўтказиб берилган маблағнинг фойдаланилмаган қисмини қайтариш юзасидан пиллачилик кластерлари ва ипак қурти уруғчилик ташкилотларига ёзма талабнома юборади.

13. Пиллачилик кластерлари ва ипак қурти уруғчилик ташкилотлари талабнома тушган кундан бошлаб **10 иш куни ичида** кўрсатилган маблағларни Кўмитанинг алоҳида шахсий ғазна ҳисобварағига қайтаради.

14. Кўмита **ҳар календарь йилнинг 1 ноябрига қадар** пилла етиштириш мавсумларига жалб қилинган субсидия олувчилар ҳамда уларга ажратилган субсидия тўғрисидаги маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради.

4-боб. Якунловчи қоидалар

15. Субсидия бериш бўйича юзага келадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилинади.

Низоларни музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилиш имкони бўлмаса, низолар суд тартибида ҳал қилинади.

16. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга улар
томонидан етиштирилган пилла (хўл пилла) ҳосили учун
субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илюва

**Пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга улар томонидан етиштирилган пилла (хўл пилла) ҳосили учун субсидия ажратиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси	“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси билан биргаликда пиллачилик кластерлари ва ипак қурти уруғчилик ташкилотларининг таклифларига асосан келгуси йилда пилла етиштириш ҳажми бўйича прогноз параметрларини ишлаб чиқиб, келгуси йилда етиштириладиган пилла (хўл пилла) ҳосили учун субсидия ажратиш мақсадида бюджет параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим қиласи.	Ҳар календарь йилнинг 20 июля га қадар
2-босқич	Молия вазирлиги	<ol style="list-style-type: none">Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг (кейинги ўринларда – Кўмита) таклифларига кўра келгуси йил учун бюджет параметрларини шакллантиришда тегишли маблағлар Кўмитага ажратилишини кўзда тутади.Ҳар календарь йили бюджет параметрларида кўзда тутилган маблағларни Кўмитага ажратиб боради.	Ҳар календарь йилнинг 1 февраля га қадар
3-босқич	Пиллачилик кластерлари, ипак қурти уруғчилик ташкилотлари	<ol style="list-style-type: none">Субсидия олувчиларнинг туман (шаҳар) манзилли рўйхатини шакллантиради ва қурт бокувчилар билан шартнома тузади.Субсидия олувчиларнинг туман (шаҳар) манзилли рўйхатини имзоланган ҳолда Кўмитанинг худудий бошқармасига тақдим қиласи.	Ҳар календарь йилнинг 25 февраля га қадар
4-босқич	Кўмитанинг худудий бошқармаси	<ol style="list-style-type: none">“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси тизимидағи вилоят худудий “Агропилла” МЧЖ раҳбари билан биргаликда туман (шаҳар) манзилли рўйхатларини таҳлил қиласи ҳамда умумлаштирган ҳолда субсидия олувчиларнинг ташкилотлар ва туманлар (шаҳарлар) бўйича худудий манзилли рўйхатини шакллантиради.Худудий манзилли рўйхат Кўмитанинг худудий бошқармаси бошлиги томонидан тасдиқланиб, Кўмитага тақдим қилинади.	Ҳар календарь йилнинг 1 марта га қадар
5-босқич	Кўмита	Шакллантирилган рўйхат бўйича пиллачилик кластерлари ва ипак қурти уруғчилик ташкилотларида очилган маҳсус ҳисобвараққа (23202) маблағларни субсидия олувчиларга улардан сотиб олинган пилла учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш вақтида тўлаб бериш мақсадида ўтказиб беради.	Ҳар календарь йилнинг 10 апреля га қадар

6-босқич	Пиллачилик кластерлари, ипак қурти уруғчилик ташкилотлари	Үз махсус ҳисобварагақларидаги субсидия учун тушган маблағларни субсидия олувчиларнинг фақат банк карталарига, агар банк картаси очилмаган бўлса, банқда уларнинг номларига очилган банк ҳисобваракларига ажратиб беради.	Ўн иш кунида
7-босқич	Кўмита	Етиширилган пилла (хўл пилла) ҳосили ва ажратилган субсидия миқдори бўйича маълумотларни расмий веб-сайтида, очик маълумотлар бўлимида доимий равищада тақдим этиб боради.	Доимий равища
8-босқич	Пиллачилик кластерлари, ипак қурти уруғчилик ташкилотлари	Субсидия олувчилардан қабул қилинган пилла хомашёси ҳажмлари ва уларга ажратилган субсидиялар бўйича маълумотларни Кўмитага тақдим этади.	Биринчи ва иккинчи мавсумлар учун – 1 июлига қадар Учинчи ва тўртинчи мавсумлар учун – 1 октябрига қадар
9-босқич	Кўмита Пиллачилик кластерлари ва ипак қурти уруғчилик ташкилотлари	Субсидия бериш мақсадида ўтказиб берилган маблагнинг фойдаланилмаган қисмини қайтариш юзасидан пиллачилик кластерлари ва ипак қурти уруғчилик ташкилотларига ёзма талабнома юборади. Кўрсатилган маблағларни Кўмитанинг алоҳида шахсий ғазна ҳисобварагига қайтаради.	Талабнома тушган кундан бошлаб 10 иш куни ичида
10-босқич	Кўмита	Пилла етишириш мавсумларига жалб қилинган субсидия олувчилар ҳамда уларга ажратилган субсидия маблағлари миқдори тўғрисидаги маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради.	Ҳар календарь йилнинг 1 ноябрига қадар

Пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга улар
томонидан етиштирилган пилла (хўл пилла)
хосили учун субсидия ажратиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

**Субсидия олувлчилар рўйхати ва ажратилиши кутилаётган субсидия миқдори бўйича жадвал
НАМУНАСИ**

Т/р	Корхонанинг номи	Туманнинг номи	Курт боқувчилар			Шартнома бўйича		Талаб қилинадиган субсидия миқдори, минг сўм
			Ф.И.О.	Паспорт маълумотлари (серияси рақами, ким томонидан берилган)	Жисмоний шахснинг шахсий индентификацион рақами (ЖШШИР)	тут ипак қурти парваришлиш, кути	тирик пилла етиштириш, кг	
1								
2								
3								
...								

Пиллачилик кластери раҳбари

имзо/мухр

Ф.И.О.

Ипак қурти уруғчилик ташкилоти раҳбари

имзо/мухр

Ф.И.О.

Туман (шаҳар) “Агропилла” МЧЖ
раҳбари

имзо/мухр

Ф.И.О.

"ТАСДИКЛАЙМАН"

Ипакчилик ва жун саноатини
ривожлантириш қўмитасининг
худудий бошқармаси бошлиги

Ф.И.О.

202__ йил "___" ____

Пилла етиширувчи жисмоний шахсларга улар
томонидан етиширилган пилла (хўл пилла)
ҳосили учун субсидия ажратиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

_____ вилоятида 202__ йилда етишириладиган пилла (хўл пилла) учун талаб қилинадиган
субсидия миқдори тўғрисида жадвал
НАМУНАСИ

Т/р	Корхонанинг номи	Туманинг номи	Шартнома бўйича		Талаб қилинадиган субсидия миқдори, минг сўм
			тут ипак қурти парваришилаш, қути	хўл пилла етишириш, кг	
1					
2					
3					
...					

Вилоят худудий "Агропилла" МЧЖ раҳбари

имзо/мухр

Ф.И.О.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Ипакчилик ва жун саноатини
ривожлантириш қўмитасининг
худудий бошқармаси бошлиги

Ф.И.О.

202__ йил " __ " _____

Пилла етиширувчи жисмоний шахсларга улар
томонидан етиширилган пилла (хўл пилла)
хосили учун субсидия ажратиш тартиби
тўғрисидаги низомга

4-илова

**Пиллачилик кластерлари ва тут ипак қурти уруғчилик корхоналари томонидан хўл пилла қабул қилиб олинган
субсидия олувчилар рўйхати ва уларга амалда ажратилган субсидиялар тўғрисидаги маълумотлар
НАМУНАСИ**

T/р	Корхонанинг номи	Туманинг номи	Тут ипак қурти бокувчиларнинг Ф.И.О.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ЖШИР)	Хақиқатда етиширилган хўл пилла, кг	Ажратилган субсидия миқдори, минг сўм
1						
2						
3						
...						

Вилоят худудий "Агропилла" МЧЖ раҳбари

имзо/мухр

Ф.И.О.

Пиллачилик кластери раҳбари

имзо/мухр

Ф.И.О.

Тут ипак қурти уруғчилик ташкилоти раҳбари

имзо/мухр

Ф.И.О.

